O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL 15 AVGUST
PAYSHANBA
№ 98 (26.957)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Афғонистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси А.Аҳмаджонов Афғонистон ўтиш ҳукумати раиси Ҳ.Карзайга ишонч ёрлиқларини топширди.

Топшириш маросимидан сўнг бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги икки томонлама муносабатларни ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилди.

Афғонистон раҳбари Ҳ.Карзай Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовга мамлакатни қайта тиклаш саъй-ҳаракатини қўллаб-қувватлагани ва афғон халқига кўрсатилаётган инсонпарварлик ёрдами учун миннатдорлик билдирди.

■ «Жаҳон» АА

2003 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

14 август куни Оқсарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳузурида 2003 йил Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳаси масаласи бўйича йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов, Вазирлар Маҳкамаси мажмуалари, республика иқтисодий идоралари раҳбарлари иштирок этди.

Муҳокамага қўйилган бюджет лойиҳаси асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозидан келиб чиқиб, жорий йилга нисбатан ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ва инфляция даражасининг пасайиши эътиборга олинган ҳолда шакллантирилган.

Бюджет лойиҳасини шакллантиришда хўжалик субъектларининг иқтисодий эркинлигини кенгайтириш, айланма маблағларини кўпайтириш, ишбилармонлик фаоллигини ошириш учун хўжалик субъектларининг солиқларини камайтириш масаласига катта эътибор берилган. Шу мақсадда юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган солиқ ставкасини 4 фоизга ва меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан ижтимоий суғуртага мажбурий тўловлар бўйича ставкани 2,8 фоизга камайтириш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, тўловчиларнинг иккинчи ва учинчи гуруҳлари бўйича солиқ ставкасини пасайтириш ҳамда паст ставкалар бўйича солиққа тортиладиган гуруҳлар бўйича умумий даромад чегараларини кенгайтириш эвазига жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқларни ўртача 10 фоизга камайтириш кўзда тутилган.

Солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва солиқлар тўлиғича йиғилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Молия, солиқ ва божхона идораларига солиқлар ва тўловлар тўлиғича йиғилишини таъминлашнинг аниқ йўналишлари ва механизмини белгилаш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларига йўл қўймаслик юзасидан топшириқлар берилди.

Табиий, моддий-техник ресурслардан самарали ва тўғри фойдаланишни рағбатлантириш мақсадида бюджетнинг умумий даромадларини шакллантиришда ресурс ва мол-мулк солиқлари ролини янада оширишга муҳим аҳамият берилмоқда.

Бюджет маблағларидан фойдаланиш қисмида уларнинг ижтимоий йўналтирилганлигини кучайтиришга эътибор берилган. Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилаётган харажатлар улушини 2002 йил бюджети умумий харажатларининг 47,2 фоиздан 2003 йилда 52 фоизгача ошириш кўзда тутилган. Шу билан бирга, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар қурилиши, уй-жой хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқни ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни қабул қилинган дастурларга мувофиқ молиялашни таъминлаш вазифаси юклатилди.

Маблағларни самарасиз, мақсадсиз сарфлашни қисқартириш, давлат бошқаруви идораларига кетаётган харажатларни янада камайтириш йўли билан бюджет харажатларини тежаш назарда тутилган.

2003 йилда инвестицияларнинг умумий ўсиши прогноз қилингани ҳолда бюджет маблағлари ҳисобидан уларнинг ҳажмини камайтириш ва корхоналарнинг ўз молиявий манбалари аҳамиятини ошириш, бевосита инвестициялар жалб этиш режалаштирилган.

Муҳокама натижаларига кўра, 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг равшан белгилаб берилган асосий устуворликларидан келиб чиқиб, бюджет лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Бу, авваламбор, иқтисодиётнинг барқарор ва жадал ривожланишини таъминлаш, қатъий пул-кредит сиёсатини олиб бориш, пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини камайтириш, пул тизимини ва миллий валюта курсини янада мустаҳкамлаш ва миллий валютанинг жорий операциялар бўйича алмашинишини таъминлашдан иборат.

Маҳсулотлар рақобатбардошлиги ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик ривожланиши учун қўшимча рағбатлантирувчи омилларни яратиш ва амалга ошириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда ва ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари билан тўлдиришда уларнинг аҳамиятини кучайтириш ҳам шулар жумласидан.

Шунингдек, қишлоқда, коммунал хўжаликда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, мелиорация ва ирригация тизимларини ривожлантириш ва бошқалар кўзда тутилган.

Йиғилиш якунларига кўра Вазирлар Маҳкамасига иқтисодий идоралар билан биргаликда 2003 йилги Давлат бюджети лойиҳасини такомиллаштириш ва жорий йилнинг 15 сентябригача Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси муҳокамасига киритиш вазифаси юклатилди.

■ (ЎзА)

МУСТАҚИЛЛИК БИЗГА НИМА БЕРДИ? ЎТГАН ЎН БИР ЙИЛДА НИМАЛАРГА ЭРИШДИК?

деган саволлар устида ўйласак, кўнгилга бир-биридан қувончли, ҳайратли, ғурурли сўзлар тўлиб-тошиб келади: Мустақиллик ҳуқуқ берди. Тилимизни, динимизни қайтарди. Ватанимизни озод қилди. Халқимизга ўзлигини — ўзбеклигини қайтариб берди. Мен ҳам халқ, мен ҳам миллатман, деб кўксимизга уриб, бошимизни баланд кўтариб сўзлайдиган бўлдик. Келажагимиз борлигини, биз ҳам келажагим, деб ўйлашни ҳис қилдик. Ҳеч кимдан тилимиз қисиқ жойи йўқ — ҳеч кимдан кам эмаслигимизни англадик. Эҳ-ҳе, санайверсак буларнинг саноғига етмаймиз.

Бугун пойтахтимизнинг гупиллаб уриб турган юраги Мустақиллик майдонида байрам тантаналарига тайёргарлик кетаяпти. Майдон ёнидан ҳеч ким бефарқ ўтолмайди. Худди шундай тайёргарлик ишлари республикамизнинг барча жойларида бормоқда. Барча ҳамюртларимиз қалбида байрам ҳаяжонлари.

Ёркин АБДУЛЛАЕВ, Тошкент молия институти проректори, иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, «Ўзбекистон овози» газетасининг иқтисодий кенгаш аъзоси:

— Касбим тақозосига кўра иқтисодий кўрсаткичларни доимо кузатиб, қиёслаб, таҳлил қилиб бораман... Эришаётган ютуқларимиз ҳақида фахр билан, ғурур билан ёзаяпмиз, севиниб, суюниб айтаяпмиз. Энди бир эслаб кўринг, мустабидлик йиллари шундай ёза олармидик ёки шундай айта олармидик? Энг муҳими ҳозирги ўзгаришлар, юксалишларга эришармидик?

Мен иқтисодчиман, кузатиб, ўйлаб, ҳисоб-китоб қилиб, хулосалар чиқариб бораман. Мамлакатимизда ўтган ўн бир йилда амалга оширилган бунёдкорлик ишларини бир хомчўт қилиб кўрайлик. Қачон бўлган бундай ишлар? Мустақиллик берган иноят ва шафоатни айни шуларда, деб биламан.

Дилором ОМОНУЛЛАЕВА, бастакор:

— Миллий маданиятнинг тикланиши — миллатнинг уйғониши. Санъатимиз дунёни лол қолдираяпти. Бизга жаҳон дарвозалари очилди. Ўзимизни танитдик. Ўзини танитган халқгина келажагини ярата олади. Озодлик ўз исминг, ўз истеъдодингни танитиш дегани. Бугун ўзбек бастакорларининг асарлари дунё бўйлаб янграмоқда...

Шўро тузуми даврида бизга йўл бўлсин эди. Ана шуларни ҳамма билиши керак. Ўшанда мустақилликнинг қадрига етамиз.

Ҳолида МИРЗАКБАРОВА, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати. Янгиқўрғон туманидаги 33-мактаб ўқувчиси:

— Бахтимиз бор экан, истиқлол даврида яшаш бизга насиб этди. Ҳозир улуғ шоиримиз Абдулла Ориповнинг шундай сатрлари ёдимга тушди.

Майли юрсангиз ҳам дарвешдай кезиб,
Бўяб чиқсангиз ҳам майли жаҳонни.
Лекин бир ўтинч бор, бергайсиз чизиб
Онамиз суврати — Ўзбекистонни.

Худо хоҳласа Ўзбекистоним сувратини жуда гўзал қилиб чизиш, уни дунёга кўрсатиш ниятим бор. Истиқлол бизга она-Ватанимиз гўзаллигини дунёга кўрсатиб қўйишга имкон берди.

ИСТИҚЛОЛ ВА МАЪНАВИЯТ

Мустақилликнинг ҳар йили Ватан тарихи ва халқ ҳаётининг янги бир саҳифаси ҳисобланади. Йилдан-йилга одамлар эркин, ҳур ва озод яшашнинг қадрига ета боряпти. Ўтган давр мобайнида ҳаёт қанча ўзгарди, у билан бирга тушунчаларимиз, дунёқарашимиз, маънавиятимиз ҳам янгиланиб бормоқда.

Хўш, бу айнан нималарда кўринади? Мустақиллик ва маънавиятнинг бир-бирига боғлиқ жиҳатлари нималардан иборат? Ўтган йиллар маънавиятимиз равнақи учун нечоғлик аҳамият касб этди?

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда жойларда «Мустақиллик ва маънавият» мавзуидаги маънавий-маърифий тадбирлар мажмуини ўтказяпти.

Яқинда Кенгашнинг жамоатчи тарғиботчи-ташвиқотчиларидан иборат икки гуруҳ Сирдарё, Жиззах ҳамда Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларида бўлиб қайтди.

Мирзаобод, Мирзачўл, Каттақўрғон, Ғиждувонда туман миқёсида ҳамда Навоий шаҳридаги «Фарҳод» саройида вилоят миқёсида бўлиб ўтган тадбирларда «Қонун, мафкура ва маънавият», «Миллий манфаатлар ва геосиёсий мақсадлар», «Истиқлол ва адабий меросга муносабат», «Истиқлол, дин ва тарбия», «Демократия ва бошқарув маънавияти», «Истиқлол ва Ватанга муносабат моҳияти» мавзулари бугуннинг долзарб муаммолари, ҳаётий далиллар ва теран таҳлиллар асосида ёритилди.

Гуруҳлар таркибида, республика «Маънавият ва маърифат» маркази ходимларидан ташқари, «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги директори ўринбосари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Иброҳим Норматов, Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси бўлими мудири, адабиётшунос Неъмат Жабборов, Тошкент давлат иқтисодиёт университети катта ўқитувчиси Ҳайдар Юнусовларнинг борлиги республика Маънавият ва маърифат Кенгаши атрофида илғор зиёлилар уюшганидан далолат беради.

Муҳими, пойтахтдан келган воизлар билан бирга вилоятлар Маънавият ва маърифат Кенгашлари жамоатчи тарғиботчи-ташвиқотчилари ҳам қизиқарли чиқишлар қилди.

Сирдарё, Жиззахга борган гуруҳ Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаларида ҳам тадбир ўтказди. Бу Марказий банк тизимида ходимларнинг маънавий-маърифий савиясини муттасил равишда ошира бориш ишига етарли даражада эътибор берилаётгани, бу борада республика «Маънавият ва маърифат» маркази билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилганидан далолат беради.

■ Шоҳруҳбек ОЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ: ҲАМКОРЛИКДАГИ КОРХОНА

Ўрта Чирчиқ туманидаги қўшма корхоналар фаолиятида йил сайин ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Бу ерда ўзбекистонлик ва германиялик ҳамкорлар иштирокида ишга туширилган «Ҳакимет» қўшма корхонаси ўтган йили 60 тонна туксизлантирилган чигит ва 1300 тонна ғалла уруғи тайёрлаб, туман хўжаликларига тарқатди. Бунинг натижаси туманнинг жорий йилдаги мўл-кўл ғалла хирмони ва эрта-индин очиладиган шиғил-шиғил ғўза кўсакларида яққол кўриниб турибди. Ҳозир корхона йилига 500 тонна туксизлантирилган чигит ва 1500 тонна сара дон уруғи тайёрлаш қувватига эга.

Корхонага ҳамкор топилишининг ҳам тарихи бор. Ўтказилган тендерда Германиянинг «Глобал процессин» фирмаси ғолиб чиқиб, унинг жамғарма низомида 520 миллион АҚШ доллари билан қатнашган. «Петкус Вутти» фирмаси корхона қурилишида фаол иштирок этди. Ўтган давр ичида корхонага 2 миллион 320 АҚШ доллари ҳажмида замонавий ускуналар келтириб ўрнатилди.

✧✧✧

Суратларда: корхонанинг илғор ишчилари — Солиҳа Файзиева, Адҳам Йўлчиев ва моҳир лаборантлар — Нуринисо Расулова билан Татьяна Шевченколар.

■ **Еркебой БОТИРОВ олган суратлар**

СПОРТ

«АЛПОМИШ» ҒОЛИБЛАРИ

13-14 август кунлари Гулистон шаҳрида III Республика «Алпомиш» ўйинлари фестивали бўлиб ўтди. Бу катта спорт байрамида «Тортишмачоқ», «Елкада кураш», «Тош кўтариш», «Бўрон», «Хўрозлар жанги», «Минди» каби миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича мамлакатимиз полвонлари ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Фестиваль дастуридан жой олган «Хўрозлар жанги»да Темур Туропов (Сурхондарё), «Тош кўтариш»да Ержон Алмагамбетов (Қорақалпоғистон), «Елкада кураш»да Чори Баротов, Нодир Норқобилов (Қашқадарё)лар олтин медалга сазовор бўлишди. Жамоалар ўртасидаги «Бўрон» ўйинида Сурхондарё, «Тортишмачоқ»да Фарғона ҳамда «Минди» беллашувларида Наманган вилоятлари вакиллари ғолиб чиқишди.

Умумжамоа ҳисобида Сурхондарё полвонлари биринчи, Фарғона вилояти ва Тошкент шаҳри спортчилари кейинги фахрли ўринларни эгаллашди.

Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтиш лозим, деб ҳисоблайман. «Алпомиш» спорт мажмуи ва «Гулистон» ўйингоҳларида икки кун давом этган мусобақалар чоғида деярли мухлислар кўринишмади. Маълум бўлишича, тарғибот-ташвиқот ишлари кеч бошланган. Савол туғилади: бу мусобақа нима мақсадда ўтказилган эди? Мақсад халқ ўйинларини кенгроқ тарғиб қилиш, оммалаштириш эмасми?! Унда Гулистонда нега томошабин бўлмади? Мусобақа ташкилотчилари кейинги ўйинларда бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўришади, деган умиддамиз.

■ Эркин ХОЛБОБО

ҚАНДИЛ... ДАВОЛАЙДИ

Бухоро вилоятидаги 1-клиник касалликлар шифохонасининг хўжалик ҳисобидаги «Шарқ табобати» бўлимида қандли диабет, бронхиал астма, ошқозон-ичак касалликларини даволашнинг ноёб усули қўлланила бошланди. Бунда бирор-бир антибиотикка ҳожат қолмайди, фақат Чижевский қандилларидан фойдаланилади. Хўш, бу қандилнинг хосияти нимадан иборат?

Ўтган асрнинг бошларида физика соҳасида буюк кашфиётлар қилган таниқли рус олими А.Л.Чижевский антиқа бир асбобни кашф этганини ҳамма ҳам билмаса керак. У яратган асбоб худди қандилга ўхшаш бўлиб, унинг ёрдамида атмосферадаги мусбат ва манфий ионлар меъёрини билиш мумкин. Москвадаги «Диод» экологик маҳсулотлар заводида ишлаб чиқарилган қандил — «Элион-132» ёрдамида хонадаги ҳавода 2000-3000 миқдорда мусбат электрон заряд ҳосил қилиниб, бемор унга тўйинтирилади.

— Саккиз кунлик муолажадан сўнг, — дейди бўлим мудири Т.Раҳмонов, — танасида қандли диабет, ошқозон-ичак касалликлари бор беморлар ўзларини қушдек енгил ҳис этадилар. Буни шифтга осилган қандилнинг сирли каромати, дейиш мумкин.

■ **Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Мустақиллик йилларида бунёд этилаётган улкан саноат корхоналари, аҳоли турар жойлари, зиё масканлари юртимиз кўркига кўрк қўшаётгани барчага ойдек, кундек равшан. Бу борада «ер юзининг сайқали» деб таъриф олган йирик иқтисодий салоҳиятга эга Самарқанд шаҳрининг ўзида ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда.

Очиғини айтиш керак, сўнгги йилларда Самарқандда қурилиш, ободонлаштириш ишлари ўзибўларчилик ҳолига тушиб қолганди. Айниқса, йўл қурилиши, атроф-муҳит озодалигига эътибор сусайиб кетганди. Қурилиш ишлари билан боғлиқ кўплаб муаммолар ўз ечимини кутиб ётарди.

ҳалла округлари ташкил этилди. Ҳар бир маҳалла ва ҳар бир кўчага маънавий-маърифий тадбирлар, ҳаётга янгича руҳ ва янгича ғайрат ҳисси кириб борди. «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари фаолиятида жонланиш рўй бера бошлади. Жамоатчилик фаолларидан тузилган гуруҳлар маҳаллаларнинг кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларига ечим излай бошладилар. Аҳолига савдо-маиший хизмат кўрсатиш даражаси яхшиланди. Фуқаролар осойишталигини таъминлаш мақсадида милиция таянч пунктлари, соғлиқни сақлаш каби кўплаб соҳалардаги ишлар билан ободонлаштириш юмушлари уйғунлашиб кетди.

Эски шаҳарнинг Сиёб тумани ҳудудидаги барча тор кўчалар ўзгача кўрк олди. Автоулов ва пиёдалар қатновида муаммолар келтириб чиқараётган Отахўжаев, Охунбобоев, Ҳ.Олимжон, Рудакий, Спитамен шоҳ, Кўксарой олди, Улуғбек мавзесидаги шаҳарга кириш йўллари тўла қайта таъмирдан чиқарилди. Кўплаб кўркам, замонавий автобекатлар қад ростлади.

Вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан ўтмиш тарихимиздан, ота-боболардан мерос сифатида кўз қорачиғидай асраб келинаётган ва айни пайтда дунё халқлари эътиборини ўзига тортган Шоҳи Зинда, Гўри Амир, Регистон, Улуғбек расадхонаси, Бибихоним

иншоотнинг замонавий услубдаги кўринишидан кўз қувонади.

Мехринисо ҚОДИРОВА, СамДУнинг 3-курс талабаси: — Кенг жамоатчилик ташаббуси билан марказий истироҳат боғи ёнида қад ростлаётган «Ёшлар маркази» вилоят ёшларининг азалий орзуси эди. Ўйлайманки, бу маскан ёшларни жипслаштирувчи, дўстлик ришталарини боғловчи, улуғ ишларга чорловчи маданий-маърифий ўчоқ бўлиб қолади.

Биз суҳбатлашган ўнлаб бошқа одамлар ҳам ана шундай фахр-ифтихорли гапларни айтишди.

— 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида Самарқанд тумани ёшлари учун 900 ўринли педагогика касб-ҳунар коллежи, шаҳар марказида «Афсона» ёзги болалар дам олиш сайилгоҳи, «Мўъжиза» амфитеатри, Доктор Обидий қўшма корхонаси ишга тушди. Бу иншоотлар узукка қўйилган кўздек шаҳримизга ярашиб тушди, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари **Нозир ИБРАГИМОВ.** — Шаҳарнинг марказий кўчаларидан бири — Мир Саид Барака кўчасида қад ростлаши мўлжалланаётган миллий услубдаги қатор замонавий иншоотларда ҳозир иш айниқса қизғин. Бу ерда «Маросимлар саройи», Самарқанд давлат чет тиллар

САМАРҚАНДНИНГ ЯНГИ САЙҚАЛИ



Бугун Самарқанд диёри улкан қурилиш майдонига айланган. Вилоятда жамоатчилик ташаббуси билан катта ишлар амалга оширилмоқда. 22 та марказий кўча замон талаблари даражасида таъмирланиб, 100 гектардан зиёд майдонда гулзор барпо этилди. Ўнлаб замонавий, кўркам иншоотлар фойдаланишга топширилиш арафасида.

Шу боис ҳам давлатимиз раҳбари 2001 йил халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида вилоятнинг янги раҳбари олдига ободончилик, уй-жой, маданий-маиший бинолар қурилишига эътиборни кучайтиришни энг муҳим вазифалардан бири деб белгилади. Президентимизнинг дил-дилдан қуюниб айтган сўзлари қадим шаҳар аҳлини тўлқинлантириб юборди. Улар Самарқандни ҳақиқий эртаклар шаҳрига айлантиришга бел боғлашди.

Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва тозаликдан бошланган хайрли иш вилоятнинг чекка-чекка қишлоқларигача кўчди. Ишлаб чиқилган тадбирлар, амалга оширилажак ишларга кенг жамоатчилик фаол жалб этилди. Тадбиркорлар ўз ихтиёрлари билан ҳомийлик қилиш, зарур техника воситалари сотиб олиш, бошланган ишларни мувофиқлаштириш ва бошқариш ташаббуси билан чиқдилар. Маҳалла қўмиталари доирасида масжиди, «Афросиёб» музейи, Хўжа Дониёр мақбараси ва бошқа тарихий обидалар атрофида ҳам катта ҳажмдаги қурилиш-ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Шаҳардаги ўнлаб маҳалла марказлари замонавий услубда бунёд этилмоқда. Масалан, Эски шаҳардаги «Қўш-ҳовуз» маҳалла маркази, «Дониёрбек» маҳалласидаги спорт-соғломлаштириш маркази ва Темирйўл тумани маҳалла марказлари чиройи эндиликда шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди.

Самарқандда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида жамоатчилик фикри билан ҳам қизиқдик:

Мамашариф ИСРОИЛОВ, фахрий иқтисодчи: — Йигирма йилдан кўпроқ вилоят ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида ишладим. Балким бўрттириш бўлар, лекин бу даражада шиддат билан бажарилган ишларни камдан-кам учратганман.

Самарқанд улуғ жой. Бу азиз юртда не-не алломалар яшаб ўтган. Ҳозир шаҳарни айланиб дилингиз яйрайди. Ҳар бир институтининг корейс тили факультети, спорт-соғломлаштириш маркази ва миллий анъаналаримизга хос «Қариялар чойхонаси» бунёд этилади. «Университет хиёбони» билан туташ «Президент ОТЕЛ» меҳмонхонаси қурилишлари шаҳримиз меъморчилигида ўчмас из бўлиб қолади. Мустақиллигимизнинг 11 йиллик тўйи арафасида вилоят миқёсида 15 га яқин турли йўналишдаги касб-ҳунар коллежлари ҳозир ўз талабаларини кутмоқда.

Ҳа, замин сайқали Самарқанд шаҳри бугун янада чирой очмоқда. Қад ростлаётган замонавий бинолар қадимий иншоотлар билан туташиб, ҳамоҳанг бўлиб шаҳарга ажиб бир тароват бағишламоқда. Табаррук юртимиз жамолининг рамзи — Самарқандга бир келинг, биз ҳикоя қилган улуғвор ва хайрли ўзгаришларни, шаҳарнинг янги сайқалини ўз кўзингиз билан кўрасиз.

■ **Шуҳрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ГУРУЧ МЎЛ БЎЛАДИ

Бундан беш-олти йиллар муқаддам Боғот туманидаги «Боғот» ширкат хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Машарип ака Қувоқов Хитой тажрибасини илк бора қўллаб, буғдойдан бўшаган майдонларга шолини кўчатлаб ўтқазганди. Ўшанда кўпчилик бу янги усулнинг натижасига эътиборсиз қарагани бор гап...

Бу йилги мавсумда буғдой ўримидан сўнг воҳанинг қайси қишлоғига борманг, далаларда шолини кўчатлаб ўтқазаётган одамларни учратардингиз. Аҳоли тасарруфидаги қўшимча томорқаларга ҳам шоли кўчатлаб экилди.

Бу тарзда экилганда гектарига 70-80 ва ҳатто 100 центнергача ҳосил бериши мумкин бўлган шолининг пишиш муддати фақат ўн-ўн беш кунга кечикиши эҳтимоли бор. Кўпни кўрган кексалар бу «хавф»га ҳам чора топишди: эътибор ва ишловни кучайтиришди.

Воҳа шоликорларига табиат оқ йўл тилаяпти — обҳаво кўнгилдагидек, шоли ривожи учун мос иқлим.

■ **Рўзимбой ҲАСАН**

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

Ўзбекистон ХДП Гулистон шаҳар, Боёвут ва Урганч туман кенгашларида семинар-йиғилишлар ўтказилди. Мазкур кенгашлар биринчи котиблари К.Юсупалиев, Д.Ғозибеков ва Х.Воисжоновларнинг маърузалари ҳамда музокараларда иштирок этган Гулистон қурилиш коллежи директори Т.Қувонов ҳамда Гулистон тиббиёт билим юрти, «Бўстон» маҳалласи, Й.Охунбобоев номли ва «Гулистон» ширкат хўжаликлари, «Чандирқиёт» қишлоқ фуқаролар йиғини, Урганч тумани марказий шифохонаси бошланғич партия ташкилотлари котиблари Н.Сатторов, Я.Патитдинов, И.Тоиров, К.Рўзимов, К.Маткаримова, З.Бекжонова ва бошқаларнинг сўзларида яқинда бўлиб ўтган минтақавий семинарларнинг Марказий Кенгаш IV пленуми қарорларини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан берган тавсиялари асосида партиявий-ташкилий, тарғибий-ташвиқий, маданий-маърифий ишларни такомиллаштириш, ЎзХДП марказий нашрларига обунани уюштиришни тубдан яхшилаш, барча соҳалардаги камчиликларни тезроқ бартараф этиш масалалари муҳим ўрин эгаллади. Урганч туманидаги семинар-кенгашда ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши ижроия бюроси аъзоси Б.Бобожонов сўзга чиқди, туман ҳокими муовини Р.Қодирова иштирок этди.

ЎзХДП Миробод туман кенгаши биринчи котиби Р.Кушева А.Авлоний номидаги маҳаллада фаолият кўрсатувчи бошланғич партия ташкилоти фаоллари билан учрашди. Унда бошланғич партия ташкилоти фаолиятини Марказий Кенгаш IV пленуми кўрсатмалари асосида фаоллаштириш масалалари тўғрисида фикр алмашилди. Ўзбекистон ХДП сафига кирганларга аъзолик билетлари топширилди.

МУСТАҚИЛЛИК КУНИ ОЛДИДАН

Партия Боёвут туман кенгашида, Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 11 йиллигига тайёргарлик кўришда ХДП ташкилотларининг иштироки масаласига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда туман партия кенгаши ижроия бюроси аъзолари, кенгаш аппарати масъул ходимлари, бошланғич партия ташкилотлари котиблари қатнашдилар. Йиғилишда туман ҳокими ўринбосарлари А.Сатторов ва Ш.Раҳмонқуловлар иштирок этдилар.

Ўзбекистон Тўрақўрғон туман кенгаши ўтказган йиғилишда «Ўзбекистон», «Ғайрат» ва «Олтин водий» ширкат хўжаликлари бошланғич партия ташкилотларининг Мустақиллиқ куни байрамига тайёргарлик ишлари масаласи кўриб чиқилди. Амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги ахборотлар муҳокамасида партия фаоллари – ширкат хўжаликлари бошқаруви раислари, ХДП бошланғич ташкилотлари котиблари, қатор муассасалар раҳбарлари иштирок этдилар. Тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди. Тадбир якунида 12 нафар ёшларга Ўзбекистон ХДП аъзоси билетлари топширилди.

ХДП Хонқа туман кенгаши, вояга етмаган ёшларнинг ёзги дам олишларининг мазмунли бўлишини таъминлаш мақсадида, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маҳаллий бўлинмаси билан биргаликда, Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 11 йиллигига бағишланган туман ёшлар спартакиадасини ўтказди. Мусобақалар футбол, волейбол, енгил атлетика, теннис, шоҳмот-шашка, теннис ва спортнинг кўплаб бошқа турлари бўйича ўтказилди. Голиблар моддий ва маънавий рағбатлантирилдилар.

ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ МАРКАЗИ

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Нукус филиали шу йилнинг январь ойидан иш бошлади. Филиал тизимига тез ёрдам станцияси, санитария авиация бўлими бирлаштирилган.

Марказ 200 ўринга мўлжалланган. Унинг тизимида ички касалликлар, жарроҳлик, урология, гинекология, травматология, нейрохирургия, токсикология, реабилитация ва физиотерапия, болалар жарроҳлиги, реанимация, жами 14 бўлим фаолият кўрсатмоқда. Марказда 127 шифокор, 300 дан кўпроқ ҳамшира ишлаяпти.

Ҳозирги пайтда марказни замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлашда катта ишлар қилинмоқда.

Марказ тизимидаги тез ёрдам бўлими Нукус шаҳри аҳолисига тезкор тиббий ёрдами кўрсатади. Бўлимда шифокорлик бригадалари сони 8 тадан 15 тага етказилди. Буларнинг барчаси қувонарли, албатта. Аммо марказ айрим камчиликлардан ҳам ҳоли эмас.

— Марказга ажратилган 2 та даволаш корпусида таъмирлаш ишлари шу кунгача битказилмади, — дейди директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди Менглимурат Тўраниёзов. — Шу сабабдан 20 ўринли кардиология, 30 ўринли педиатрия бўлимлари ҳали очилмади. Ташҳис, лаборатория, дорихона, қон қуйиш, стерилизация бўлимлари эса махсус эмас, балки мослаштирилган хоналарда фаолият юритмоқда. Унинг устига транспорт таъминоти ҳам ачинарли. Салкам 300 минг аҳолиси бор Нукус шаҳрида 25 та «Тез ёрдам» автомашинаси бўлиши керак эди. Амалда 8 та автомашина ишлаяпти. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа тегишли мутасаддилар бу ҳақда ўйлаб кўришлари лозим.

■ **Реймбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

✧ ✧ ✧

Суратларда: травматология бўлими мудири Давлатбой Навбетов, ҳамшира Арухон Давлатмуротова ва катта ҳамшира Света Сапаровалар иш устида; лаборатория ходими Элмира Холмуратова; илмий марказ биноси.

Бердиниёз АЛЛАШЕВ олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

ТОТЛИ, АРЗОН... ЭНГ МУҲИМИ, ЎЗИМИЗНИКИ!

ЯНГИЙЎЛ «ROSSI S.A.» ЎЗБЕК — БОЛГАР ҚЎШМА КОРХОНАСИ ҚАНДОЛАТПАЗЛАРИ БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА ЯНГИ ХИЛ ШИРИНЛИКЛАР ТАЙЁРЛАШДИ

Яқинда бир келин-куёв тўйида бўлдик. Дастурхон тўкин. Ўзбекистон боғ-роғларида етилган турфа мевалар-у, пазандачиликнинг бор маҳорати-ла пиширилган пиширириқлар... Айниқса, кўзларни ўйнатиб турган шоколад, конфет, зефир, вафли, печеньеларни айтмайсизми? Уларнинг қоғозидаги ёзувларга кўз ташлаймиз: «Rossi», «Пирамид», «Макс», «Барс», «Истиқлол», «Наврўз», «Қизил Шапкача», «Маймоқ айиқча», «Ананас» — вой-вўй, ҳаммаси «Rossi S.A» маҳсулотлари...

— Қо-йил, «Rossi» яшнаб кетибди-ю..а?! — шивирлади ҳамроҳим.

— Қаерники бу? — сўрайман дастурхондан кўз узолмай.

— Ўзимизники. Янгийўлдаги ўзбек — болгар қўшма корхонасида тайёрланган, бир гал борганман. Зўр...

— И-и, тўхтанг, кеча мен республика озиқ-овқат уюшмасидан мустақиллик байрамига кўрилаётган тайёргарлик ҳақида мақола ёзиш учун анча маълумотлар олиб қайтувдим. Орасида балки «Rossi» ҳақида ҳам...

Бизнинг изоҳ: Rossi — ўзбек — болгар қўшма корхонаси, 1997 йил июль ойида ташкил топди. Орадан бир ой ўтибоқ ишга тушди.

Таъсисчилари: Ўзбекистон томонидан «Вита капитал» фирмаси, Болгариядан — «ED Росси» компанияси.

Низом жамғармаси: Ўзбекистон томонидан — 30, болгарлар томонидан — 70 фоиз.

Буларга яна ҳам аниқлик киритиш учун республика озиқ-овқат саноати уюшмаси раиси Бадриддин Холмуҳамедовга қўнғироқ қиламиз:

— «Rossi» ҳақидами? — мақсадимизни тушунди у киши. — Олти йил ичида олти баробар ўсди, десам муболаға бўлмас. Мустақиллик байрамининг 11 йиллиги шарафига шу кунларда «Истиқлол» деган янги конфет тури, «Шарқ юлдузи» шоколади, шакарли «Шарқ» печеньеси ва шоҳона бисквитлар тайёрлаяпти. Мамлакатимиз савдо тармоқларининг қайси бирига кирманг «Rossi S.A.» тамғаси билан ўғлаб қандолатчилик маҳсулотларини кўрасиз... Энг муҳими, уларнинг нархи харидорлар чўнтагига мос. 2000 йилда Россия (Москва)да бўлиб ўтган «Халқаро улгуржи озиқ-овқатлар бозори» кўргазмасида «Rossi» маҳсулотлари фахрли диплом билан тақдирланди.

1997 йилнинг иккинчи ярмидан иш бошлаган эдик, — ҳикоя қилди жамоа раҳбари Ш.Раҳимов. — Ўша йилиёқ режадаги 237 тонна ўрнига 440,2 тонна турли хил ширинликлар тайёрладик. 1998-1999 йилларда бу кўрсаткич ҳар йили 80-90 тоннага ўсди. 2000 йилда эса 1050 тонналик маррага чиқиб, ишлаб чиқаришни 1999 йилга нисбатан 2,4 фоизга оширдик. 2001 йилда 1566 тонна. 2002 йилги мўлжалимиз — Оллоҳ насиб этса, 1700 тонна.

— Бу тонна-тонналарнинг сўмлари ҳам миллион-миллионлар бўлиб кетса керак-а?

— Табиий. Масалан, 1998 йилда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қиймат даражаси 39989 минг сўм бўлган бўлса, 1999 йилда бу кўрсаткич 178733 минг сўмни ташкил этди. Товар айирбошлаш эса 1998 йилдаги 46 миллион сўмдан 1999 йилда 194 миллион сўмга, 2000 йилда — 570 миллион, 2001 йилда 1009732 минг сўмга етди. Жорий йил ишлаб чиқариш кўрсаткичимиз 1119000 минг сўмни ташкил этиши керак.

— Жамоада одам кўпми?

— Дастлаб 30 нафар киши билан иш бошловдик. Ҳозир 170 кишимиз.

— Муаммолар ҳам бордир?

— Бор, лекин муаммо деганда, биз, етишишимиз ва эришишимиз керак бўлган мўлжалларимизни тушунамиз. Масалан, янги технология, хомашё ва бошқа хил маҳсулотлар ҳамда материаллар олишимиз учун валюта масаласини ҳал этишимиз керак. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун мавжуд биноларнигина эмас, янгидан тикланаётган иншоотлар ва ускуналарни ҳам қайта таъмирлаш жараёнларини ўйлаб турибмиз. Бу ишлар бизга янги хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва маҳаллий ёшлар ҳисобига янги ишчи ўринларини кўпайтириш имконини беради...

Корхона раҳбари билан бўлган суҳбатимиз узоқ давом этди. Лекин биз унга шу ерда нуқта қўямиз. Зеро, наздимизда бошқа тафсилот ва баёнларсиз ҳам Янгийўлдаги ўзбек — болгар қандолатчилик қўшма корхонаси «Rossi S.A.» жамоасининг ўсиш, улғайиш босқичлари билан етарлича танишиб улгурдик, шекилли.

Сўнгсўз ўрнида тилагимиз: ишингиз доимо бароридан, ўнгидан келаверсин, қандолатпазлар!

■ **Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

МУАММО, МУЛОҲАЗА, ТАКЛИФ

«ДАФТАРНИНГ ҲАР ТУРИДАН БОР, ҚАЙ БИРИНИ ОЛАСИЗ?»

ЁКИ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ «РУКИ ВВЕРХ», «ПИКАЧУ», «ПОКЕМОН», «ИНТИМ» ДЕГАН ҒАРОЙИБ ДАФТАРЛАРИ ХУСУСИДА

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча жойларида янги ўқув йилига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Ҳамма туман бозорларида махсус расталар ташкил этилган. Пойтахтдаги Чорсу, Паркент, Кадишев номли, Янгиобод бозорларини айландик. Ранг-баранг ўқув қуролларидан кўзингиз қамашади. Рангли қаламлар — «Российский» ва Германияники, оддийгина эгилувчан қора қалам — Францияники, фломастер Хитойники, расм дафтар — Украининики... Ўзимизники ҳам бор, пештахтанинг бир четида ғариб бўлиб ётибди.

Паркент мактаб бозори растаси. Дафтарларга кўз югуртирамиз, ранго-ранг, муқоваларда қўшиқчи, киноактёр, спортчидан тортиб ярим яланғоч аёллар суратларигача бор. Ўзингизни худди кинотеатр павильонида юргандек ҳис қиласиз: «Руки верх», «Алсу», «Таркан», «Урдач», «Бони М», «Титаник», ҳатто «Интим»??? номли дафтарлар.

Бир тўп ўсмирлар дафтар танлай бошлашди. Улардан бири:

— «Бону», «Райҳон»... Э, йўқ, бизга ҳалигидақа «зўр»ларидан керак, — деди. Шериклари пиқирлаб кулишди.

Болалар сотувчидан устига ярим яланғоч аёл сурати туширилган кундаликни сўрашди.

— Бу энг «супер мода» кундалик, нархи бироз қиммат, — сотувчи ўз молини мақтай бошлади.

Болаларнинг психологияси қизиқ, биттасининг кетидан яна беш нафари ўша ярим яланғоч «мода»ни олишди.

Бир бозордан хулоса чиқаришга шошилмайликчи, дея Чорсуга йўл солдим.

— Келинг, опа, мана бу «чистий российский» дафтар, қаранг, — деди сотувчи.

Билишимча, «Покемон», «Пикачу»га ўхшаш мультфильмларни японлар яратган. Лекин сотувчи айтган «чистий российский» «Пикачу», «Покемон» дафтарлари Россияда нашр қилинган.

Сотувчи қиз билан савдосотиқ ҳақида бироз суҳбатлашдим.

— Очиғи, Тула дафтаридан кўра, қалбаки «Пикачу»лар тез кетяпти, — деди у.

— Янги «юлдуз»лар йўқми? — сўрайди ўн ёшлардаги болакай.

— «Руки вверх» «мода»дан қолган, «Рональдо»нинг расми боридан қолмадими? — сўрайди яна бири.

— Йўқ, эртага бўлади... — сўнг сотувчи ёнидаги шеригини «тез мол олиб ке, «Рональдо» «учиб» кетяпти... «Оуен»дан ҳам олиб келавер, бўл!», — дея қаергадир зипиллатади.

Айтишларича, ўзимиздаги баъзи хусусий фирмалар ҳам бозори чаққон хориж маҳсулотларидан нусха кўчиришаётган эмиш.

Ўйланиб қолади киши. Турли йўллар билан келтирилиб, бозорларимизни «ишғол қилган» муқоваси ялтироқ минг хил дафтар, ўқув қуролларининг сифатига очиғи, эътироз билдириш қийин. Лекин улар устидаги суратлар ўқувчига нима беради? Ақлига ақл қўшадими, зеҳнини ўткирлаштирадими? Ахлоқ-одобига хизмат қиладими?

Аввало, шуни айтиш керакки, турли хил сержило ранглар боланинг зеҳнини чарчатади. Суратлар фикрини чалғитади, ахлоқий тарбиясига салбий таъсир этади.

Эшитишимизча, ривожланган хорижий мактабларда бундай суратли ўқув қуролларига рухсат йўқ. Ҳар бир мактабда ўқувчилар ўз либосига эга, белгиланган ўқув қуролларидангина фойдаланилади. Бу борада Туркия, Хитой, Корея, Япония мактабларида ҳам тартиб-интизом қаттиқ. Савол туғилади: хўш, бундай хорижий дафтарлар нега бизнинг бозорларимизни тўлдирди? Нега энди шарқ, ғарб, европалик ўқувчига «зарарли» бўлган бундай олдиқочди суратли ўқув қуролини бизнинг боламиз «зўр», «супер», «мода» деб ишлатиши керак? Сабаби нима? Сабаби жуда жўн — қаердаки зиғирча мафкуравий бўшлиқ бўлса, ўша ерга бегона ғоя суқилади.

Бир чеккаси харидорнинг гапида ҳам жон бор. Ўзганинг оши билан рўзғор бут бўлмаганидай, четдан келтирилаётган моллар билан харидорнинг моддий ва маънавий эҳтиёжини тўла қондириш қийин. Қизиқсиниб, мутасадди идоралардан суриштирамиз: «Қачон ўз дафтар, ўқув қуролларимиз бозорларимизни тўлдиради?»

Умуман, республикамизда ўқувчиларнинг дафтарларга бўлган эҳтиёжини қондириш имконияти борми? Полиграфия саноатимизнинг қуввати-чи? Айтайлик, 1-Тошкент босмахонасида бу борада қандай ишлар амалга оширилянти?

Мақсадимизни эшитган 1-Тошкент босмахонаси директори Азимхон Рихсиев:

— Босмахонамиз бир кунда 200 минг дона дафтар ишлаб чиқариш қувватига эга. Йилига 72 миллион дона маҳсулот тайёрлашимиз мумкин, хомашёмиз ҳам бор. Лекин буюртмачи йўқ.

Очиқ айтаман, ўзимизда чоп этилаётган маҳсулотимиз ўша Тула шаҳридаги ёки хорижда босилган дафтарлардан қолишмайди. Энг ачинарлиси, бозорларимизда муқоваси бир марта рангланган хориж маҳсулотига харидор алданиб олаяпти. Негадир харидор онгида ҳалиям «хорижники яхши» деган нотўғри фикр мавжуд. Ўзимизнинг полиграфия саноатимиз бемалол ўқувчиларимизнинг эҳтиёжига яраша маҳсулот тайёрлай олади.

Эҳтимол, дафтарларни четдан келтириш сал-пал арзондир. Балки бугун юртимизга турли йўллар билан кириб келиб, бозорларимизни тўлдираётган ўша тайёр маҳсулот моддий эҳтиёжни қоплаётгандир. Аммо бу дафтарлар болалар тарбиясига, маънавиятига қандай таъсир қилади?

Келажак авлодимиз усти ялтироқ нарсаларга ҳавас қилиб эмас, пухта билим, юртга садоқат, иммон-эътиқод ҳис-туйғулари йўғрилиб вояга етсинлар.

■ **Саида САЙХУН,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

СУВ ТОШҚИНИ САБАБ ПРЕЗИДЕНТ ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Душанба куни кечқурун Прага шаҳар маъмурияти шаҳарни сув босиши муносабати билан 50 минг аҳолини хавфсиз жойга кўчиришга қарор қилди. Бироқ сешанба куни Влтава дарёси тошиб, шаҳарни сув боссада, аҳолининг кўпчилиги ўз уйларини ташлаб кетгиси келмади.

Шаҳарда транспорт ҳаракати тўхтатилди, электр энергияси ва газ узатиш узиб қўйилди. Чехиянинг эски шаҳари ҳисобланмиш Мала Странада сув сатҳи 1,5 метргача кўтарилди.

Сув тошқини сабабли мамлакат ҳукумати ҳам ўз жойидан кўчирилди. Негаки, Чехия ҳукумат уйи Влтава дарёси қирғоғидан атиги 100 метр нарида жойлашган.

Ҳукумат мамлакатнинг 6 ўлкасида — Прага ҳудуди, Ўрта Чехия ўлкаси, Устец ўлкаси, Жанубий Чехия, Пльзен ва Карловар ўлкаларида фавқулодда ҳолат эълон қилди.

Мамлакатда сув тошқини юз бергани сабабли ўзининг меҳнат таътили даврида Португалияда соғлиғини тиклаётган мамлакат Президенти Вацлав Гавел Чехияга қайтиб келди.

ВАЗИЯТ БАРҚАРОРЛАШДИ

Новороссийскда юз берган сув тошқинидан сўнг вазият барқарорлашмоқда. Барча бузилган кўприклар, йўллар қайта тикланди. Сув тошқинидан азият чекканларга ёрдам пуллари тарқатилмоқда. Жумладан, табиий офатдан кам жабр кўрган, лекин кам таъминланган оиларга — 1000 рублдан, уй-жойидан айрилганларга — 3 минг, оиласидан бир кишини йўқотганларга — 10 минг, боқувчисидан айрилганларга эса 30 минг рублдан ажратилган.

Краснодар ўлкасида эса сув тошқинидан азият чекканларни ёппасига эмлаш давом этмоқда. Улар биринчи навбатда А гепатитига қарши, лептоспироз, терлама, қоқшол ва бошқа юқумли касалликларга қарши эмланмоқда. Табиий офат юз берган ҳудудларда чўмилиш тақиқланди. Негаки, кун бирданига исиб кетди, кундузи ҳарорат 40 даражагача кўтарилмоқда.

ШТАБ ТАРҚАТИБ ЮБОРИЛАДИ

Шимолий Атлантика альянсининг ҳарбий режалаштириш қўмитаси қарорига биноан шу йилнинг 30 октябридан эътиборан НАТОнинг Европадаги ерда юрувчи автомобиль кучлари штаби тарқатиб юборилади. Мазкур штаб совуқ уруш давридан бери Германиянинг Гейдельберг шаҳрида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Штабнинг тарқатиб юборилиши 11 сентябрь воқеаларидан сўнг НАТО тизимида бошланган ислоҳотларнинг яна бир босқичидир.



БУЮК ХИТОЙ ДЕВОРИ

ТАШРИФГА ТАЙЁРГАРЛИК УЧУН

Келгуси ойда Япония ташқи ишлар вазири Йорико Кавагути Пекинга боради ва Япония бош вазири Дзюнъитиро Коидзумининг бу мамлакатга ташриф буюриши учун тайёргарлик кўриш ишларини кўздан кечириб, ўзи ҳам бу иш билан машғул бўлади, дейилади Reuters ахборот агентлиги тарқатган хабарда.

Бош вазир ташрифи сентябрь-октябрь ойларига мўлжалланмоқда. Унда асосий урғу Хитой — Япония муносабатлари меъёрлашувининг 30 йиллигига берилади.

ВУЛҚОН УЙҒОНДИ

Японияниг Торисима оролида (Токиодан жанубда, денгизда жойлашган) уйқуда ётган Ио вулқони шу ҳафтадан бошлаб яна уйғонди. У 63 йилдан бери уйқуда эди.

МАМЛАКАТГА ОЛИБ КИРИШ ТЎХТАТИЛАДИ

Туркманистон алоқа вазирлиги Россия газета-журналларини мамлакатга олиб келишни тўхтатишга қарор қилди. «Бунга сабаб авиайўналишларда газета олиб келиш ўта қимматга тушиб кетаётганидир», деди Туркманистон ҳукумати вакили.

«Туркманпочта» бирлашмаси нашрларни мамлакатга олиб келишдан умуман воз кечмоқчи. Обуначиларга эса иккинчи ярим йиллик обуна пулларини қайтариб бермоқчи, дейилади «Интерфакс» ахборотида.

ҚУРҒОҚЧИЛИКДАН АЗИЯТ ЧЕКМОҚДА

Замонамиз об-ҳавосини тушуниш қийин бўлиб қолди. Доимий ёмғирли ўлка — Вьетнамда бу йил қурғоқчилик юз бермоқда. Шунинг учун мамлакат ҳукумати маҳаллий бошқарув тизимига мурожаат этиб, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда ёрдам беришларини уқтирди. Вьетнамнинг 11 та марказий музофотида, айниқса, аҳвол оғир. Бу ҳудудларда 3 ойдан бери қаттиқ қурғоқчилик юз бермоқда.

Об-ҳавони кузатиш маркази мутахассисларининг фикрича, бунга сабаб «Эль Нио» ҳаво феноменидир. Бу ҳолат Ер шарининг қайсидир бурчида сув тошқинини келтириб чиқарса, қайсидир бурчида қаттиқ қурғоқчилик юз беради. Лекин Вьетнамда қурғоқчилик бўлишига қарамай, маҳаллий аҳоли октябрда қаҳва ҳосилини йиғиштириб олмоқчи.

Непалда эса тинимсиз муссон ёмғирлари оқибатида сув тошқини юз берди ва 422 киши ҳаётдан кўз юмди. Бугунги кунгача 32 минг киши ўз уйларидан ажраб қолди. Мутахассисларнинг айтишларича, муссон мавсуми сентябргача давом этаркан.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Айни вақтда Ўзбекистон ўрта махсус, касб-ҳунар таълим марказининг академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари бошқармаси мутахассислари томонидан АҚШ таълим тизими ўрганиб чиқилмоқда. Масалан, шу йили ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази раҳбарларининг Америка тинчлик марказининг Вашингтондаги офиси директори Микель Винтруднинг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув натижаларига кўра томонлар маданият, таълим соҳасида ўзаро тажриба, билим ва мураббийлар билан алмашиш тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети, ҳамда Тошкент давлат техника университети қошидаги академик лицейлари АҚШнинг бир қатор ўқув муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.

Таълим тизимини компьютерлаштириш борасида ҳам талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур тадбир учун бу йил давлат бюджетидан 15 миллиард сўм сарфланди. Бу эса ўтган йилга нисбатан компьютерлаштиришга сарфланган маблағдан анча кўпдир.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 47 та академик лицейнинг йигирма биттаси, касб-ҳунар коллежнинг эса 309 тасидан саксон еттитаси Интернет халқаро компьютер тармоғига уланган.

Таълим муассасалари ўқитувчиларининг хорижда малака ошириш имкониятлари ҳам тобора кенгайиб бораётир. Замонавий техника воситаларидан фойдаланиш, уларнинг тузилишини ўрганиш бўйича академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг физика, химия, информатика фанлари ўқитувчилари Жанубий Кореяда малакаларини оширишди. 200 нафардан зиёд мутахассис эса АҚШ, Германия, Италия, Голландия, Франция каби давлатларда ўз ихтисосликлари бўйича тажриба орттириб келишди.

■ **Дилшод САТТОРОВ**

ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ТАЯНЧЛАРИ

«ЧИМБОЙМОЙ» — АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

— Корхонамиз ўз маҳсулотлари билан нафақат Чимбой туманида, балки бутун Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида тилга тушган акциядорлик жамиятларидан бири, — деб ҳикоя қилади жамият бошқаруви раиси Асқар Содиқов. — Аҳолини мўл-кўл озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш жамоа ҳар бир аъзосининг аҳд-муддаосидир. Чунончи, шу йилнинг ўтган биринчи ярмида Тахтакўпир, Қораўзак, Бўзатов, Кегайли туманлари савдо шаҳобчаларига 28,1 тонна тозаланган ёғ жўнатдик...

Бошқарув раисининг суюнганича бор. Йилнинг ўтган олти ойлик режалари корхонада барча кўрсаткичлар бўйича ошириб уддаланди. 9,5 тонна шифобахш кунгабоқар ёғи жамоага айниқса катта фойда келтирди. «Ўзбекистон» ёрлиғи билан ишлаб чиқарилган 6,7 тонна ёғ ҳам истеъмолчилар дидини қозонди.

Бугина эмас, корхонада омухта ем, кунжара ва шрот каби тўйимли озуқалар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Июль ойига қадар тайёрланган 1014 тонна кунжара, 18,6 тонна шрот ва 907 тонна омухта озуқа тайёрланди.

— Биз билан ҳамкорликдаги қишлоқ хўжалиги корхоналарига 360 килограмм кунгабоқар уруғини бўнакка бериб, — дея давом этди раис, — уни экишлари учун 450 гектар майдон ажратилишида ҳам кўмак бердик. Мўлжалимиз — кузга бориб 450 тоннага қадар сара кунгабоқар уруғи олиш. Бу келгусида корхонамизда маҳсулотлар ишлаб чиқариш янада кўпаяди, деган гап...

Тез кунларда бу ерда аҳолининг кундалик эҳтиёжларбоп яна бир маҳсулот — совун ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади. Шунингдек, корхонада эскирган ва замонавий ишлаб чиқариш даражасидан ортда қолган бинолар, ускуналар ҳамда жиҳозларни янгилаш, таъмирлаш ишлари ҳам жадал кетмоқда.

■ **Замира ИСМАТУЛЛАЕВА**

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ АУКЦИОН ВА ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2002 йил 17,20 сентябрь кунлари Хатирчи туман ҳокимлиги мажлислар залида бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилади:

Хатирчи тумани, М.Улуғбек ширкат хўжалиги ҳудудидан фуқароларга уй-жой қуриш учун 90 дона, ҳар бири 400 кв.м.дан ер майдонлари.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 8100 сўмдан.

2002 йил 18,23 сентябрь кунлари Навоий шаҳрида соат 15.00 да Давлат мулки қўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси мажлислар залида бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилади:

Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Баҳолаш комиссияси томонидан хатланган «МАЗДА» русумли енгил автомашинаси.

Бошланғич баҳоси — 300 000 сўм.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши шарт. Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига 1 соат қолганда тўхтатилади. Ер майдонларига аризалар савдодан 3 (уч) кун олдин тўхтатилади:

2002 йил 18,23 сентябрь кунлари Навоий шаҳрида соат 16.00 да Давлат мулки қўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси мажлислар залида бўлиб ўтадиган танлов савдоларига қуйидаги мулклар қўйилади:

1. Қизилтепа тумани тиббиёт муассасалари бирлашмасига қарашли бўш турган «Косагарон» ФАП биноси.

Бошланғич баҳоси — 584100 сўм.

2. Хатирчи тумани марказий касалхонасига қарашли Олтинсой қишлоқ участка шифохонасининг бўш турган эски биноси.

Бошланғич баҳоси — 2411500 сўм.

Танлов савдоларидан объектларни сотиб олишнинг шартлари:

1. Сотиб олинган бинолардан мақсадли фойдаланиш, яъни ушбу биноларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни ташкил қилиш.

2. Сотиб олинган объектни қайта таъмирлаш ва унинг хизмат кўрсатишини жаҳон талабларига мос равишда ташкиллаштириш.

3. Сотиб олинган объектга мақсадли сармоя киритиш.

Танлов савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич қийматининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши шарт. Аризалар савдога 3 кун қолгунга қадар қабул қилинади.

Танлов савдоларига аризалар билан бирга қуйидаги ҳужжатлар топширилиши лозим.

Бизнес-режа, Низом (юридик шахслар учун), корхонанинг рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги ҳужжат (юридик шахслар учун). Аризалар Давлат мулки қўмитаси Навоий вилояти ҳудудий бошқармасига топширилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиздан республика Кўчмас мулк биржасининг Навоий вилояти филиалига мурожаат қилишларини сўраймиз.

Қўшимча маълумотлар учун манзил: Навоий шаҳри, П.Очилов кўчаси, 24-уй. Телефонлар: 8 (43622) 4-15-61, 4-64-31.

МИЛЛАТ ВА ТАРИХ

БОБУРИЙ МАЛИКАЛАР

Қайси бир давлатнинг маъмурий бошқарувига назар ташламайлик, давлатни бошқаришда шубҳасиз, аёлларнинг иштирокини кўришимиз мумкин.

Бобурийлар салтанатида ҳам маликаларнинг давлат бошқарувида аҳамияти бениҳоя катта бўлиб, улар орасидан ақлли маслаҳатгўйлар, тадбиркорлар, истеъдодли шоиралар, сиёсатчилар етишиб чиққан. Ҳатто шундай давр бўлганки, салтанатда аёлларнинг роли кучайиб кетганлиги боис, уни тарихчилар «аёллар салтанати» даври деб атаганлар. Айниқса, Шоҳ Акбарнинг даврида маликаларнинг маъмурий ишларга бемалол аралашуви кучайган. Лекин, бу дегани давлатни бошқаришга Акбаршоҳ нописанд қараган дея олмаймиз, фақат унинг даврида аёлларга бўлган ҳурмат-эътибор салмоқли даражада юксалган.

Бобурий маликаларнинг ёш жиҳатдан улуғи Бобурнинг опаси Хонзодабегимдир. У Бобур ва Ҳумоюн саройларида маслаҳатчи вазифасини бажарган. Профессор Р.Шамсутдинов «Буюк Бобурийлар салтанати» асарида шундай ёзади: «Гулбаданбегим ўз даврининг оқила, донишманд аёлларидан бўлган. У Акбаршоҳнинг таклифи билан «Ҳумоюннома» номли асарини ёзади».

Бобуршунос олим И.Ҳошимов эса Жаҳонгиршоҳнинг рафиқаси Нуржаҳон ўта зийрак, доно, тадбиркор аёл бўлганлиги туфайли айрим вақтларда давлатни мустақил равишда ўзи идора этганлиги ҳамда муҳим ҳужжатларга имзо чекиш билан бирга бир қатор қонунлар ҳам чиқаргани тўғрисида асарларида баён этган. Нуржаҳоннинг мавқеи шу қадар юқори эдики, оқибатда Жаҳонгир унинг шарафига «Нури Жаҳоний» деб номланган 12 граммли олтин танга зарб эттирган.

Бобурий маликаларнинг ичида ўзгача назокатлиси, одобу ахлоқи, тенгсиз ҳусну латофати ила барчанинг ҳурматига сазовор бўлган малика Мумтозмаҳал бегимдир. У давлат ишларида доимо садоқатли ёри Шоҳ Жаҳонга елкадош бўлган. Унинг асл исми Аржумандбону бўлиб, Мумтозмаҳал бегим (сарой кўрки) унга берилган унвон эди. Шунинг учун ҳам Шоҳ Жаҳон ақли расо, доно рафиқасига атаб Тожмаҳални қурдирди.

Фикримизни қисқа айтадиган бўлсак, манбаларда кўриниб турибдики, маликалар салтанатда ўта ҳурмат қилинган. Шундан бўлса керак, Гулбаданбегимнинг маълумотларига кўра, «Тилсим тўйида» 96 нафар бобурий маликалар иштирок этганлар. Аёллар бор жойда турли хил кайф қилувчи ичимликлар ичилмаган. Биз манбаларга таяниб, бобурий маликаларнинг энг машҳурлари тўғрисида сўз юритдик, холос. Ҳолбуки, уларнинг барчаси ҳам таҳсинга лойиқ бўлганлар.

■ **Муқаддас АҲМЕДОВА,**
Андижон давлат университети талабаси

■ Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Ой сулув қиз — юлдуз қиз,
Ойдан сулув Зуҳро қиз.
Чарақлайди — кулади
Иккиси ҳам бахтли қиз.

«ОЛТИН ХУМО» ЎЗ ЭГАСИНИ КУТМОҚДА

Туркистон саройида «Олтин Ҳумо» танлови ташкилий қўмитасининг йиғилиши ўтказилди.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси миллий эстрадамизни ривожлантириш, эстрада санъати усталарининг ижодий ютуқларини тарғиб этиш, изланишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда энг яхши эстрада куй ва қўшиқларининг муаллифларини рағбатлантириш мақсадида «Олтин хумо» мукофотини таъсис этган эди.

Танловда мамлакатимизнинг барча эстрада жамоалари, яккахон хонандалар, бастакор ва шоирлар, сахналаштирувчи режиссёрлар, аранжировка усталари, овоз ёзиш режиссёрлари, эстрада соҳасида хизмат қилаётган рассом ва модельерлар иштирок этишлари мумкин.

«Ниҳол» мукофоти эстрада соҳасида ва бошқа соҳаларда ёш иқтидорли санъаткорларни рағбатлантиришга йўналтирилган бўлса, «Олтин хумо» профессионал санъаткорлар ўртасида ўтказилади. Бу танловда миллий ўзбек эстрада қўшиғини ижро этувчи янги хорижлик санъаткорлар ҳам иштирок этиши мумкин. Танлов йилнинг энг яхши қўшиғи, энг яхши аёл овози, энг яхши эркак овози, энг ёш ва умидли хонандаси, энг яхши бастакори каби 12 йўналишда ўтказилади.

■ **«Туркистон-пресс»**

КАТТА ФУТБОЛ БИЛАН ХАЙРЛАШИБ

Болгариялик Даниил Боримиров терма жамоа билан боғлиқ барча «саргузашт»ларига якун ясамоқчи. 32 ёшли бу «қария» 21 август куни Германия футболчилари билан ўтказиладиган ўртоқлик учрашувида иштирок этмайдиган бўлди. Боримиров 1994 йили ўтказилган жаҳон чемпионатининг чорак финалида Германия жамоасини енгиб, 4-ўрин эгалланишида ўз ҳиссасини қўшган таниқли футболчилардан саналади. Болгариялик ярим ҳимоячи ўз фаолиятини «Левски» жамоасида бошлаган бўлиб, ҳозир «Мюнхен 1860» таркибида ўйнаб турибди.

«АЛ-ИТТИХОД»ДА ЎЙНАМОҚЧИ

Шотландиянинг «Глазго Рейнджерс» клуби ҳужумчиси Клаудио Каниджа Саудия Арабистони футбол жамоаларидан бирида ўйнаши мумкинлиги кўзда тутилмоқда. Шу кунларда тўпурарнинг «Ал-Иттиҳод» клубига ўтиши ҳақида музокара олиб борилмоқда.

СЕНЕГАЛ ТЎПУРАРИНИНГ ОРЗУСИ

«Ланс» клубидан 10 миллион доллар эвазига «Ливерпуль» жамоасига ўтган сенегаллик Эль Хожи Диуф дил сўзларини шундай баён қилди: «Менинг бирдан-бир орзуим премьер-лига клубларида ўйнаш эди. «Валенсия», «Интер» ва «Парма» жамоаларидан менга таклифлар тушгани ҳам бежиз эмас. Ҳайтовур, ниятимга етиб, премьер-лига аъзоси «Ливерпуль» таркибида ўйнаб турибман».

ЖАҲОН РЕКОРДИНИ ЯНГИЛАДИ

Америкалик Натали Коулин АҚШда давом этаётган жаҳон чемпионатида 100 метрга чалқанча сузишда жаҳон рекордини янгилади. У масофани 59, 58 сонияда сузиб ўтди. Бу билан у 1994 йили Рим шаҳрида хитойлик Хе Сихонг эришган натижани 0,18 сонияга янгилади.

МАЙДОНДА ҚИЛИЧБОЗЛАР

Эртага Португалия пойтахтида қиличбозлик бўйича жаҳон чемпионати бошланади. Лиссабон шаҳрига 80 мамлакатдан 750 га яқин энг кучли рапирачи, қиличбоз ва шамширчилар ташриф буюришди. Мусобақалар собиқ «ЭКСПО-98» ҳудудидаги алоҳида спорт кошонасида уюштирилади. Спортчилар 24 та қиличбозлик йўлкаларида баҳслашадилар. Мусобақа очилгандан кейин халқаро қиличбозлик федерациясининг навбатдан ташқари йиғилишини ўтказиш кўзда тутилган.

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

«...СИЗНИНГ УСТИНГИЗДАН ҲАМ ЁЗАМАН!»

ИККИ ЙИЛДАН БУЁН ҲАҚИҚАТНИ ТАН ОЛМАЙ, ТУРЛИ ИДОРАЛАРГА АРИЗА ЙЎЛЛАБ КЕЛАЁТГАН БИР ДЎКОНДОР ХУСУСИДА

Ушбу шикоят хатини олганимда аввалига Узун туман ҳокимлиги ва мутасадди ташкилот раҳбарларидан кўнглим ранжиди. Ҳуқуқий, демократик давлат қурилаётган мустақил юртимизда наҳотки маънавият ва маърифатга тўсқинликлар бўлса? Ахир, илм, зиё кишини эзгуликка чорловчи ягона йўл эмасми?

« ...Ўттиз йил Ички ишлар бўлимларида меҳнат қилиб, нафақага чиққанман,— деб ёзади ўз аризасида Узун тумани марказидаги F.Маҳмудов кўчасининг 14-хонадонида яшовчи Абдуваҳоб Абдураҳимов. — Шу йилнинг бошидан «Ўзбекистон» кўчасидаги «Матбуот тарқатувчи» китоб дўконини ишлатиб келяпмиз. Дўкон фаолият бошлаган кундан эътиборан туман ҳокими Абдувоҳид Турдиев уни буздириб ташлатмоқчи бўлиб юрибди. Йил бошида мени фуқаролик судига беришди. Иш менинг фойдамга ҳал бўлса-да, ҳокимлик бундан қаноатланмади ва вилоят судига мурожаат қилди. Вилоят суди эса ҳужжатларга тўғри баҳо бермасдан, ишни бирёқлама кўрди. Дўконнинг 30 квадрат метр ер майдони 1992 йил 15 декабрда Узун туман ҳокимининг 445-қарори билан олинган. Ҳоким эса Сурхондарё вилоят Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасининг 1998 йил 13 июлдаги мулкка эгалик ҳуқуқини берувчи 193-сонли давлат ордери ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларимни ҳам тан олмасдан келмоқда.

Бизлар дўконни қуриш учун уч миллион сўмдан ортиқ пул сарфлаганмиз. Сизлардан илтимос, бундай ёвузликдан бизларни қутқаришларингизни сўрайман...»

Бир қарашда туман ҳокими ва мутасаддилар жабрдийда қарияга тазйиқ ўтказишибди, деган фикрга боришингиз аниқ.

— Мени тўғри тушунинг, туман маркази бугунги кун талабига жавоб беролмай қолган, — деди ҳоким Абдувоҳид Турдиев ариза билан танишгач. — Ўтган йиллардаги пала-партишлик ва ноқонуний қарорлар бугун кўплаб қийинчиликлар туғдирмоқда. Туманнинг географик харитаси ўтган асрнинг 80-йилларида тайёрланганича қолиб кетган. Янги режалар устида иш бошладик. Насиб этса, йил охиригача барчаси кўнгилдагидек бўлади. Дўкон масаласига келсак, уни албатта буздириб ташлаймиз. Чунки, у қонунсиз фаолият юритмоқда. Юз марта эшитгандан, бир бориб кўрсангиз, ўзингиз хулоса чиқарарсиз. Агар ҳокимлик ноҳақ бўлса, бемалол, танқидга розимиз...

— Дўкон ғалваси икки йилдирки ўз интиҳосини тополмаяпти, — дейди туман бош меъмори Шавкат Шоймардонов йўл-йўлакай. — Ҳожи бобо эса ҳақиқатни тан олиш ўрнига турли нуфузли идораларга шикоят қилмоқда. Шу йилнинг ўтган олти ойи давомида ушбу шикоятлар юзасидан беш марта текширув ўтказилди. Республика Давлат мулки қўмитаси, Сурхондарё вилоят ҳокимлиги, Давлат мулк бошқармаси — ҳаммасида хулоса битта: дўкон қонунсиз қурилган!

Дарҳақиқат, 30 квадрат метрдан ортиқроқ жойни эгаллаган 2 қаватли дўкон ёмғирдан сўнг бодраб чиққан қўзиқориндек, кўча саҳнида «бўртиб» турибди. Туман ҳокимлиги ишчи гуруҳининг 1995 йил 26 майдаги «Узун туман марказидаги ноқонуний қурилаётган ҳар хил қурилишларни кўчириш тўғрисида»ги далолатномаси ва 1 июндаги «Қурилиш, лойиҳалаш ва ер ажратиш учун ҳужжат тайёрлашда бош режаларнинг бузилишида йўл қўйилаётган хато-камчиликлар тўғрисида»ги 302-қарорига асосан тумандаги 36 та дўконни бошқа жойга кўчириш юзасидан қарор қабул қилинган. Рўйхатга ушбу дўкон ҳам киритилган.

— Қонун — барча учун баробар, — давом этди туман прокурори Бахтиёр Ибатов. — Юқорида зикр этилган қарорлардан сўнг Абдуваҳоб Абдураҳимовга деҳқон бозори ҳудудидан савдо дўкони қуриш учун ер ажратилган. «Ишбилармон отахон»имиз эса ушбу ҳудудга дўкон қуриб, уни фуқаро Камол Саидовга сотганлиги аниқланди.

2002 йилнинг октябрь ойида эса Абдуваҳоб Абдураҳимов кўплаб ёзма ва оғзаки огоҳлантиришларга қарамай, 1995 йилда бузилган савдо дўкони ўрнида янги — икки қаватли дўкон қуришга киришади. Туман марказидан ўтган ўрта босимли газ қувури усти ва 2-тоифали «Термиз — Сариосиё — Душанбе» автомобиль йўлининг тақиқланган ҳудудида қурилган ушбу дўкон ҳар томонлама талабга жавоб бермайди.

Шу ўринда «Узунгаз» идораси раҳбари Бобоали Мустафоевнинг 24.10.2000 йилда туман прокурорига ёзган билдирги хатига эътиборингизни қаратсак: **«Узунгаз» идораси маъмурияти сизга шуни ёзиб маълум қиладики, Узун туман марказини табиий газ билан таъминловчи газ қувурининг «Оқсоқоллар чойхонаси» ёнидаги Д-159 к. 114 мм.ли қисмининг устига фуқаро Абдураҳимов Абдуваҳоб рухсатсиз дўкон қурмоқда. Бу фуқарога бир неча марта огоҳлантириш берилганига қарамай, иншоот қурилиши тўхтатилмаяпти. Натижада, «Газ хўжалиги хавфсизлиги» қоидалари қўпол равишда бузилмоқда. Ўтган йилларда Самарқанд шаҳрида газ қувури устида қурилган магазинда портлаш натижасида кишилар ҳалок бўлганди. Шу ҳодиса Узунда ҳам такрорланмаслиги учун амалий ёрдам беришингизни илтимос қиламиз.»**

Хуллас, ҳақиқатни ҳақ, деб тан олишни истамаётган Абдуваҳоб ҳожи Абдураҳимов икки йил давомида кўплаб нуфузли идораларга мурожаат қилибди.

— Ҳеч ким менга ёрдам кўрсатиб, дўкон муаммосини ҳал қилиб беролмаяпти, — дейди отахон ўзини жабрдийда кўрсатиб. — Яқинда «Адолат» газетасида танқид қилишибди. Энди мен ҳам туман ҳокимлигини ҳоли-жонига қўймайман. Тунов куни Тошкентдан келдим. Адлия вазирлиги, «Омбудсман» вакили ва бошқа идораларга арз қилдим. Эртаиндин республика телевидениесидан ҳам текширувчилар келишади. Натижа бўлмаса, ёзавераман. Энди Республика бош прокурори ва вилоятнинг янги ҳокимига арз қилмоқчиман. Мухбир бўлсангиз мени айтганларимни ёзасиз, бўлмаса, сизнинг ўстингиздан ҳам ёзаман!..

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

МАСАН МОМОНИНГ ХАТИ

Момомиз Қўшработда яшайдилар. Ўғли Шодиёр билан тўй кийишмаган бўлсакда, «Талабалар шаҳарчаси»нинг «қаттиқ» нонини бирга татиган қиёматлик жўрамиз. Ўқишдан кейин ҳам Шодиёр ул-бул нарса «қоралаб» юрди, бола-чақа, уй-рўзғор ташвиши билан бўлиб, охири шаҳардан узилиб кетди. Унинг онаси Масан момомиз бўлса бизлардан кўра оқибатлироқ. Ўша томонлардан ким Тошкентга келса, салом айттириб, бир келсин, деб тайинлаб юборадилар.

Яқинда бир хат келди. Ҳайрон бўлдим. Яқин беш йилдан бери ҳеч кимдан мактуб олмовдим. Ёзувидан танидим — Шодиёрнинг ҳуснихати. Лекин... гаплар момомизники. «Жўрангни биласан, энди Кесовлида қолди. Раҳматлик Чори Аваз, Равшан Файзлар ҳам шунча етаклади, бизларни ўйлади, кетолмади. Энди бўлса армон қилади, кеч-да. Майли, омон бўлсин. Насибаси қишлоқда экан, ҳамма шаҳарга кетса, бу ёқда ким қолади?

Энди гапимни «берди»сини эшит: адашмасам, 26 июнь куни эди-ёв. Шу куни Президентнинг журналист - мухбирларга табригини эшитиб қолдим. Сен журналистсан-ку, эшитиб ўтириб ўйладим. Бу неча йилдан бери Тошкентда юрибди, бир неча йил бурун Абдулла Турди деган шоир келгандаям сўровдим, мени мухбир болаларимни танийсизми, деб. У сенларни мақтовди. Бу табрикдаги гапларни эшитиб, жўрангданам сўрадим, нега сенлар журналист бўлиб шу айтганларни ёзмайсанлар.

Тўғрида, ҳақ гапни, бор гапни ёзиш керак. Мана, биз ҳам қишлоқда яшаймиз, радио эшитамиз, телевизор кўрамиз, юртда кўп яхши ўзгаришлар бўлаяпти... Лекин шу бизнинг қишлоқда ўзгариш суст бўляпти-да болам. Бизнинг адресни биласан: Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани, «Оқтепа» ширкат хўжалигига қарашли Кесовли қишлоғи. Бу ерда юз эллик хонадон яшайди. Шу, ўзинг ўн йил аввал кўрган қишлоқ. Раҳбарларнинг нечтаси келиб-кетди. Одамлар ичимлик сувидан қийналаяптида. Ёнгинамиздаги қишлоқларга аллақачон сув келган. Бизлар ўша қишлоқлардан ташиб келамиз. Кўп ёздик, келган катталарга айтдик. Лекин тайинли гап бўлмаяпти. Бу хатимнинг жавобини бир мен эмас, ўзинг кўрган, билган Кесовлидаги Анорбой бува, Лапас ота, Толлибой бува, Дўстбек акаларгача кутиб ўтирибди. Агар вақт тополсанг, бир келиб телевизорингга Кесовлини олиб кет. Келолмасанг, мухбир жўраларингдан бирортасини юбор...».

Уларни бошқа қишлоққа кўчириш ҳам осон эмас. Нима қилиш керак? Туман раҳбарлари Масан момо гаплари устида ўйлаб кўришар, деган умиддаман.

Хатни ўқиб, ўйланиб қолдим. Курсдош дўстларим баҳонасида Кесовлига кўп борганман. Тоғ этаги, дашт жойлар. Сув олиб келиш осон эмас, албатта. Катта маблағ керак. Аммо нима бўлганда ҳам бу ерда одамлар яшайди.

■ **Норқобил ЖАЛИЛ,**
журналист

«ОТЧОПАР БУЮМ БОЗОРИ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Жамият Кузатув кенгашининг 2002 йил биринчи ярим йиллик молиявий-хўжалик натижалари бўйича ўтказилган навбатдаги йиғилиш қарорига мувофиқ дивидендалар номинал қиймати 1000 сўм бўлган битта акцияга 973 сўмдан тўғри келди.

Дивидендалар 2002 йил август, сентябрь ойлари орасида берила бошланади.

«Отчопар буюм бозори» ОАЖ бошқаруви

Тошкент ҳисоб-кредит техникуми томонидан 1992 йилда Наргиза Эргашевна Разиева номига берилган №350194 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Ўзавтойўл» давлат акциядорлик концерни маъмурияти ва концерн кенгаши Наманган вилояти автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш бирлашмасида кўп йиллар сидқидилдан меҳнат қилган, самимий инсон, меҳрибон раҳбар, чин дўст, фидойи йўлчи **Лутфулла МИРЗАЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Андижоннефть» акциядорлик жамияти жамоаси «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси раиси ўринбосари Олимжон Абдурахмонович Зокировга рафиқаси **Турсуной ЗОКИРОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади ва оила аъзоларига сабр тилайди.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 136-53-21
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 671

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.00
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA